

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

ТАЖИЕВ ҚУДРАТ ҚАДИРБЕРГАНОВИЧ

**АМУДАРЁ ҲОЗИРГИ ДЕЛЬТАСИ ЧАП ҚИРҒОҒИНИНГ ТАБИИЙ-
МЕЛИОРАТИВ ШАРОИТИНИ БАҲОЛАШ**

11.00.01 - Табиий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссиясида В2020.2.PhD/Gr129 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Хоразм Маъмун Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (samdu.uz) ҳамда “Ziyonet” ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Уразбаев Абдукарим Кендирбаевич
география фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Боймирзаев Каримжон Мирзахмедович
география фанлари доктори, доцент

Ибрагимова Рана Алимбоевна
география фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 11 сентябрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15 уй. Самарқанд давлат университети, Бош бино 105-хона, Тел.: (99866) 239-16-36, факс: (99866) 239-11-40; E-mail: ik-geografiya2019@mail.ru).

Диссертация билан Самарқанд Давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 50 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15 уй. Тел.: (99866) 233-60-87.

Диссертация афтореферати 2021 йил 28 август куни тарқатилди.
(2021 йил 26 августдаги 14 рақамли реестр баённомаси).

С.Б. Аббасов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Б.А. Мелиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, г.ф.б.ф.д. (PhD)

В.А. Рафиков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, г.ф.д. (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда чўллашиш жараёни авж олаётганлиги туфайли ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви, тупроқ деградацияси ва бошқа салбий экологик ва табиий географик жараёнлар кучайиб бормоқда. Бу каби муаммоларни ҳал этишга халқаро ташкилотлар жумладан, БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш дастурида “қуруқлик экосистемаларини муҳофаза қилиш ва тиклаш, улардан оқилона фойдаланиш, ўрмонларни рационал бошқариш, чўлланишга қарши курашиш, ерларнинг деградациясини тўхтатиш”¹ вазифалари ечимига алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур вазифаларнинг ечими айниқса арид иқлимли ҳудудларда, шу жумладан дарёлар дельтаси суғориладиган ва суғорилмайдиган ҳудудларининг табиий-мелиоратив шароитини ўрганиш, баҳолаш ва илмий асосланган мелиоратив тадбирларни комплекс олиб боришни тақозо этади.

Дунёда ландшафт-мелиоратив тадбирларни амалга ошириш, ландшафтлар дифференциацияси ва структурасини аниқлаш, гуруҳларга ажратиш, дельтадаги ёки кичик дельталардаги элементар ландшафт гуруҳлари асосида рельеф структураси билан ер усти сув оқимининг ўзаро алоқадорлигини топиш, ландшафтларнинг мелиоратив ҳолатини аниқлаш, ҳудудларнинг ландшафт кадастрини тузиш ҳамда ландшафт-экологик ҳолатини баҳолаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада ландшафтларни гуруҳларга ажратиш, турли омиллар таъсирида кичик дельталарнинг ўзгаришини ўрганиш, ландшафт-мелиоратив тадбирларни амалга ошириш, ландшафт шаклланишида ер усти сувининг гидрокимёвий хусусиятлари таъсирини аниқлаш, мелиоратив тадбирларни индивидуал ёндашув асосида амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамиздаги дарёлар дельталарида вужудга келган тупроқ шўрланишини олдини олишга қаратилган мелиоратив тадбирларни амалга ошириш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида “...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириб, экин майдонларини янада мақбуллаштириш, бўшаб қолган ерларга картошка, сабзавот, озиқ-овқат ва мойли экинларни, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш” бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада республиканинг турли даражада шўрланган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг тупроқ-мелиоратив ҳолатини аниқлаш, баҳолаш ва шўрланган тупроқларни хариталаштириш, тупроқларни шўрсизлантиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш орқали тупроқ унумдорлигини

¹ Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года //Электронный доступ: <http://www.uz/undp/org/content/uzbekistan.ru>

сақлаш ва ошириш ҳамда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чоратадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731-сон “2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”, 2017 йил 27 ноябрдаги ПҚ-3405-сон “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида”, 2020 йил 28 февралдаги ПҚ-4575-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш тўғрисида” қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 февралдаги 39-сон “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича Давлат дастурининг сўзсиз бажарилиши тўғрисида” қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VIII. “Ер ҳақидаги фанлар”, V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устивор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Амударё ҳозирги дельтасининг табиий-мелиоратив шароитини ўрганиш ва баҳолаш, асосан, 1961 йилдан сўнг, яъни дельта тараққиёти гидроморф режимдан автоморф режимга ўтиш давридан бошланган. Бу муаммо билан В.П.Костюченко, Р.А.Сорокина, В.А.Тимошкина (1969), И.Н.Степанов (1979), Ф.М.Рахимбаев (1980), А.А.Рафиқов (1984), А.К.Уразбаев (1988), Ф.И.Хақимов (1989), Б.Жоллибеков (1992), К.Ж.Алланазаров (2002), И.Р.Турдимамбетов (2005), А.Н.Ниғматов, П.Реймов, С.Абдреймов (2006), В.А.Рафиқов (2017), Д.Б.Хурсанов (2019) ва бошқалар шуғулланган. А.К.Уразбаев (1988) эса Амударё ҳозирги дельтаси ўнг қирғоғининг табиий-мелиоратив шароитини баҳолашда кичик дельталарнинг структуравий яхлитлигини асос қилиб олган.

Аммо бу тадқиқотларда Амударё ҳозирги дельтаси чап қирғоғининг табиий-мелиоратив шароитини баҳолаш махсус таҳлил қилинмаган. Шу билан бир қаторда коллектор хавзаларининг ва кичик дельталарининг табиий-мелиоратив шароитига таъсир этувчи ер усти сув оқими, рельеф структураси ва уларнинг ўзаро таъсири натижасида вужудга келадиган худуднинг табиий-мелиоратив шароитини рельеф пластикаси усули асосида баҳоланмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Урганч Давлат университети илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ Европа Иттифоқи “Erasmus+” дастурининг “Марказий Осиёда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш: Фазовий усуллар орқали табиий офатларни бошқариш (585383-EPP-1-2017-1-SE-EPPKA2-SBHE-JP)” лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Амударё ҳозирги дельтаси чап қирғоғининг табиий-мелиоратив шароитини очиб беришда ва баҳолашда рельеф пластикаси усулини ролини кўрсатишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

табиий-мелиоратив шароитни баҳолашда рельеф пластикаси усулини қўллаш, коллектор ҳавзаларининг функционал бутунлиги ва кичик дельталарнинг структуравий яхлитлиги ролини очиб бериш;

ер усти сув оқими, рельефнинг “дарахтсимон” шакли ва табиий-мелиоратив шароитнинг ўзаро алоқадорлигини таҳлил қилиш, ҳамда тематик карталарни тузиш;

коллектор ҳавзаларидаги ва кичик дельталардаги элементар ландшафт гуруҳларини, ҳамда уларга боғлиқ бўлган ҳудудларнинг мураккаблик даражаларини таҳлил қилиш;

ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш чора тадбирларини коллектор ҳавзалари ва кичик дельталар бўйича амалга оширишнинг амалий томонларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Амударё ҳозирги дельтасининг чап қирғоғи олинган.

Тадқиқотнинг предмети Табиий-мелиоратив шароитнинг мураккаблик даражаларига таъсир этувчи элементар ландшафт гуруҳларининг роли ташкил этган.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида рельеф пластикаси усули, дала-тадқиқот, географик таққослаш, тизимли ёндашиш, картографик, замонавий географик ахборотлар тизими (ГИС), статистик ҳамда ландшафт геохимёвий усулидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ер усти сув оқими, рельефнинг “дарахтсимон” шакли ва табиий-мелиоратив шароитнинг структураси ўртасидаги ўзаро алоқадорлик мавжудлиги аниқланган;

элювиал, транс-элювиал, супераквал элементар ландшафтлари билан табиий-мелиоратив шароитнинг мураккаблашган, ўрта мураккаб, мураккаб, ўта кучли мураккаблик даражалари ўртасидаги боғлиқлик аниқланган;

Амударё ҳозирги дельтаси чап қирғоғининг 1:100000 масштабдаги “Тупроқларнинг шўрланиш даражаси” ҳамда “Табиий-мелиоратив шароитни баҳолаш” карталари ArcGIS дастурида яратилган;

илк бор суғориладиган ҳудудларнинг ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда табиий-мелиоратив районларнинг роли кўрсатилиб, коллектор ҳавзаларида табиий-мелиоратив шароити мураккаблик

даражаларининг тартиб билан ўзгариши ҳудудни яхлит табиий-мелиоратив район эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олиб борилган тадқиқотлар натижасида турли масштабдаги суғориладиган ва суғорилмайдиган ҳудудларнинг “Амударё ҳозирги дельтаси чап қирғоғи тупроқларининг шўрланиш даражаси” ҳамда “Амударё ҳозирги дельтаси чап қирғоғининг табиий-мелиоратив шароитни баҳолаш” карталари яратилган;

суғорма деҳқончиликни ва мелиорацияни ривожлантириш мақсадида элементар ландшафт гуруҳлари билан ҳудуднинг мураккаблик даражалари алоқадорлиги коллектор ҳавзалари ва кичик дельталар мисолида асосланган;

Амударё ҳозирги дельтаси чап қирғоғи табиий-мелиоратив шароитига таъсир этувчи ер усти сув оқими, рельефнинг “дарахтсимон” шакли ва ҳудуднинг табиий-мелиоратив шароити структураси ўртасидаги ўзаро алоқадорлиги таснифланган;

ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда ҳар бир табиий мелиоратив районнинг ички структураси алоҳида рол ўйнаши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги йирик топографик карталар М 1:25000 асосида яратилган чап қирғоқнинг рельеф пластикаси карталаридан дала-экспедиция тадқиқотларида асос сифатида фойдаланилганлиги, элементар ландшафт гуруҳлари билан ҳудуднинг мураккаблик даражаларининг алоқадорлиги, дельта тарихида рўй берган лито-морфо-педогенез жараёни билан ҳозирги вақтдаги табиий-мелиоратив шароитнинг ўзаро муносабатини ўрганишда рельеф пластикаси усулининг амалий мос келганлиги, олинган натижаларнинг табиий географиядаги геотизим таълимотига ва илгари суғорма деҳқончиликда ҳамда мелиорацияда олиб борилган тадқиқотчиларнинг хулосаларига мослиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти элементар ландшафт гуруҳлари билан ҳудуднинг мураккаблик даражалари ўртасидаги алоқадорлик рельеф пластикаси усули асосида аниқланганлиги, ер усти сув оқими, рельефнинг “дарахтсимон” шакли ва табиий-мелиоратив шароитнинг структураси ўртасидаги боғлиқлигини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти “Амударё ҳозирги дельтаси чап қирғоғи тупроқларининг шўрланиш даражаси” ва “Амударё ҳозирги дельтаси чап қирғоғининг табиий-мелиоратив шароитни баҳолаш” карталари ер ресурсларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда улардан оқилона фойдаланишни янада самарали даражага кўтаришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Амударё ҳозирги дельтаси чап қирғоғининг табиий-мелиоратив шароитини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

дельта ҳудудининг ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда ер усти сув оқими, рельефнинг “дарахтсимон” шакли ва табиий-мелиоратив шароитнинг структураси ўртасидаги ўзаро алоқалар Қорақалпоғистон

республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясининг учинчи устивор йўналишида белгилаб берилган муҳим вазифалар ижросини таъминлашда Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 22 июндаги 01/013-1565-сон маълумотномаси). Натижада, суғориладиган массивлардаги тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш имконини берган;

Амударё ҳозирги дельтаси чап қирғоғининг шўрланиш даражаси ва табиий-мелиоратив шароитини баҳолаш карталари рельеф пластикаси усули асосида биринчи маротаба тузилган бўлиб, улардан коллектор ҳавзасида жойлашган фермер хўжаликлари ерларнинг мелиоратив ҳолатини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалик экинларини тизимли жойлаштириш схемаси Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги амалиётига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 22 июндаги 01/013-1565-сон маълумотномаси). Натижада, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш схемасини такомиллаштириш имконини берган;

табиий-мелиоратив шароитнинг мураккаблик даражаларига таъсир этувчи элементар ландшафт гуруҳларининг роли илк бор очиб берилган бўлиб, рельеф структурасини ҳисобга олган ҳолда тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги амалиётига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 22 июндаги 01/07-3-246-сон маълумотномаси). Натижада, қишлоқ хўжалиги экин турларини ер усти сувлари оқими йўналишида жойлаштириш ҳисобига ҳосилдорлик ошиши ва сув ресурсларини янада тежаш имконини берган;

рельеф пластикаси усули асосида яратилган карталар Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасида амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2020 йил 10 октябрдаги 02/18-1-2058-сон маълумотномаси). Натижада, табиат компонентларини ўзгаришини баҳолаш усуллари асосида олинган аналитик карталар тизими антропоген ва табиий ландшафтлар алмашинадиган ҳудудларда экотизим ривожланиши, ўзгариши мониторингини олиб бориш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг матн қисми 120 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Табиий-мелиоратив шароитни баҳолашда ҳавзавий усулни қўллашнинг методологик асослари”** деб номланиб, унинг аввалги қисмида табиий-мелиоратив шароитни баҳолаш усуллари баён қилинади. Ернинг суғорма деҳқончилик учун баҳолашда барча табиий омилларнинг (литологик-геологик, гидрологик-гидрогеологик, тупроқ-иқлим) мажмуасини ҳисобга олиши зарур. Бу омиллар маълум бир объектнинг мелиоратив шароитини белгилаб беради. Т.В.Звонкова (1964, 1970) фикрича, арид зоналарида, айниқса, рельеф ва ётқизикларнинг литологияси ландшафтларнинг мелиоратив ҳолатини белгилашда асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Тупроқларнинг мелиоратив хусусиятини баҳолашда унинг механик таркиби, физик-кимёвий хоссаси ва агрокимёвий кўрсаткичлари муҳим ўрин тутди (Ковда, Егоров, 1968). Тупроқларни сифатли баҳолашда В.В.Егоров (1978) қуйидаги агро-мелиоратив гуруҳларни ажратади: суғоришга яроқли, мўлжалланган унимдорлиги ва мелоратив тадбирларнинг хиллари ҳамда ҳажмлари бўйича синфлар. Суғорма деҳқончилик нуқтаи назаридан табиий шароитни баҳолашда асосий тадқиқот предмети бўлиб ландшафтнинг алоҳида олинган компонентлари эмас, балки бир хиллик табиий шароитга эга бўлган ландшафт-типологик мажмуалари ҳисобланади (Л.Н.Бабушкин, Н.А.Когай, 1975).

И.Н. Степанов (1979) табиий-мелиоратив шароитни баҳолашда тупроқ мелиоратив ҳолатининг тадқиқотига ва унинг башоратига аҳамият бериб, Амударё ҳозирги дельтаси ўнг қирғоғидаги Чимбой ва Кегейли суғориладиган массивларининг тупроқ мелиоратив ҳолатини математик усуллар асосида башорат қилади. А.А.Рафиқов (1984) ландшафт индикацияли усули асосида, ландшафт турлари янги суғориладиган ҳудудларда суғориш тармоқларининг турларини, тупроқларнинг сув-туз режимидаги фарқларни ва туз миграциясининг йўналишини белгилайди деган хулосага келади.

А.К.Уразбаев (1988) Амударё ҳозирги дельтаси ўнг қирғоғининг табиий-мелиоратив шароитини баҳолаган ҳолда, кичик дельталарнинг структуравий яхлитлигига аҳамият беради. Қозоқдарё кичик дельтаси мисолида табиий-мелиоратив шароитининг бошланғич қисмидан қуйи қисми томон қонуний ўзгариб боришини асослайди. Ф.И.Хакимов (1989) Амударё ҳозирги дельтаси ўнг қирғоғининг тупроқ мелиоратив ҳолатини баҳолашда

рельефнинг ички тузилишига катта аҳамият бергани ҳолда, янги массивларни ўзлаштиришда каскад (поғона) усулини тавсия этади.

Суғориладиган ҳудудларнинг табиий-мелиоратив шароитини ҳамда геозкологик ҳолатини ўрганиш ва баҳолаш тадқиқотлари билан А.А.Абдулқосимов (1983), Л.И.Алибеков (1994), Б.А.Бахритдинов (1995), Н.И.Сабитова (2002), В.А.Рафиқов (2017), И.А.Хасанов (1981), Ш.К.Шарипов (2011), Қ.С.Ярашев (2018) ва бошқалар шуғулланишган. Олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари сифатида Ўзбекистоннинг суғориладиган ҳудудлари яхши ўрганилган ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Дельта шароитида рўй берган табиий географик жараёнларни ҳар томонлама тадқиқ қилишда В.М.Боровский, М.А.Погребинский (1958) томонидан ишлаб чиқилган “Лито-морфо-педогенез жараёнларининг бутунлиги” ҳақидаги таълимотнинг роли бекиёсдир. Бу таълимот бўйича ер усти сув оқимининг фаолияти натижасида рельеф, тупроқ ҳамда ётқизиклар механик таркибининг ҳосил бўлиши бир-бири билан чамбарчас боғлангандир. Бир сўз билан айтганда, дельта ер усти сув оқимининг фаолияти натижасида рельефнинг “дарахтсимон” шакли ҳосил бўлган. Ҳозирги вақтда эса ана шу рельефнинг “дарахтсимон” шакли билан боғланган табиий-мелиоратив шароитнинг структураси ер усти сув оқимининг йўналишини белгилайди. Табиатда ер усти сув оқими, рельефнинг “дарахтсимон” шакли ва табиий-мелиоратив шароитнинг структураси ўртасида узлуксиз занжирли реакция рўй беради ва бу занжирли реакцияни 1-расмда кўрсатдик.

1-расм. Ер усти сув оқими, рельефнинг “дарахтсимон” шакли ва табиий-мелиоратив шароитнинг структураси ўртасидаги занжирли реакция

Дельтанинг ҳосил бўлиш тарихида рўй берган “лито-морфо-педогенез” жараёнида асосан ер усти сув оқимининг фаолияти натижасида рельеф “дарахтсимон” шаклининг ҳосил бўлишини яхлит тизимнинг биринчи босқичи деб қараймиз. Жараённинг 2-босқичида рельеф “дарахтсимон” шаклининг фаолиятида табиий-мелиоратив шароитнинг структураси ҳосил бўлса, 3-босқичда эса табиий-мелиоратив шароитнинг структураси ер усти сув оқимининг йўналишини белгилаб беради.

Ҳозирги вақтда дельтадаги суғориладиган ва суғорилмайдиган ҳудудларда табиий-мелиоратив шароит тўғридан-тўғри рельефнинг “дарахтсимон” шакли билан боғланганлиги учун фанга табиий-мелиоратив шароитнинг структураси деган тушунчани киритдик. Дельта геотизимларидаги табиий-мелиоратив шароитини белгилашда рельефнинг

“дарахтсимон” шакли биринчи табиий-географик омил бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам табиий-мелиоратив шароитнинг структурасини ўрганишда рельеф пластикаси усулининг роли бекиёс бўлиб, бу усул дельта тарихида рўй берган ва ҳозирги вақтда рўй бераётган 1, 2 ва 3-босқичлар ўртасидаги занжирли реакцияни ўрганиш учун ҳам назарий, ҳам амалий дастур бўлиб ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Коллектор ҳавзаларининг функционал бутунлиги ҳамда кичик дельталарнинг структуравий яхлитлиги ва уларнинг табиий-мелиоратив шароитни баҳолашдаги роли”** деб номланган иккинчи бобида Қўнғирот коллектор тизими функционал бутунлигининг табиий-мелиоратив шароитини баҳолашдаги ўрнини назарий таҳлили билан бошланади.

Амударё ҳозирги дельтаси чап қирғоғининг суғориладиган ҳудудлари рельеф пластикаси картаси асосида Қўнғирот коллектор тизими ва Устюрт коллектор ҳавзалари ажратилди. Устюрт коллектор ҳавзасининг функционал бутунлиги анча содда тузилган бўлиб, у асосан, Раушан ва Оқбошли кичик дельталаридан иборат. Коллектор ҳавзаси содда тузилганлиги учун ҳам унинг табиий-мелиоратив шароити мураккаб хусусиятга эга эмас. Қўнғирот коллектор тизимининг ички структураси эса унинг акси бўлиб, мураккаб тузилишига эга. Қўнғирот коллектор ҳавзаси Қиятжарган, Улдарё, Раушан кичик дельталаридан ҳамда Амударё ўзан бўйи баландликларидан ташкил топган.

Коллектор ҳавзасидаги рельеф структураси билан боғланган ер усти сув оқимининг табиий-мелиоратив шароитни белгилашдаги роли бекиёсдир. Шуларни ҳисобга олган ҳолда Қўнғирот коллектор тизимидаги ер усти сув оқимининг йўналишига эътибор берадиган бўлсак, у ўзининг йўналиши ва ички структураси бўйича А.К.Уразбаев (2002) тадқиқ қилган Амударё ҳозирги дельтаси ўнг қирғоғидаги коллектор ташландиқ-1 дан тубдан фарқ қилади. Муаллифнинг таъкидлашича, ер усти сув оқимининг йўналишига боғлиқ ҳолда табиий-мелиоратив шароит коллектор ҳавзасининг юқори қисмидан шимолга йўналган ҳолда қуйи қисмга тизимли ўзгариб боради. Биз тадқиқ қилаётган Қўнғирот коллектор тизимида эса ер усти сув оқими ҳавзанинг юқори, яъни жанубий-шарқидан қуйи қисмга шимолий-ғарб йўналишда ҳаракат қилади. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ер усти сув оқимининг энг сўнги ҳудудларига Судочье кўли ва унинг атрофидаги супераквал элементар ландшафти киради. Ана шунинг учун ҳам коллектор ҳавзасидаги табиий-мелиоратив шароитнинг ўта кучли мураккаб даражаси айнан шу ҳудудларга тўғри келади.

Амударё ҳозирги дельтаси чап қирғоғининг суғорилмайдиган ҳудудларига Оқбошли, Қипчоқдарё кичик дельталари ва Раушан кичик дельтасининг шимолий қисми (дельтанинг жанубий қисми Қўнғирот коллектор тизими ҳавзасига киради) ҳамда Амударё ўзан бўйи баландликлари киради. Суғорилмайдиган ҳудудларда табиий-мелиоратив шароитни кичик дельталарнинг структуравий яхлитлиги ҳамда шу кичик дельталарнинг “дарахтсимон” структураси билан алоқадор бўлган ер усти

сув оқимининг йўналишини белгилайди. Шу сабабли Қипчоқдарё кичик дельтасида табиий-мелиоратив шароит ер усти сув оқимининг йўналиши билан боғланганлиги учун у жанубдан шимол томон ўзгариб борса, Оқбошли ҳамда Раушан кичик дельтасининг шимолий қисмида эса табиий-мелиоратив шароит жануби-шарқдан шимоли ғарб томон ўзгариб боради.

Суғорилмайдиган ҳудудларда табиий-мелиоратив шароитни белгилашда кичик дельталар оралиғида жойлашган ўзанлараро пастликлар ҳам катта роль ўйнайди. Шу сабабли, суғорилмайдиган ҳудудларда табиий-мелиоратив шароитнинг ўта кучли мураккаблик даражаси ва кучли шўрланган тупроқлар ҳамда шўрхоклик Амударё ўзан бўйи баландликлари билан Қипчоқдарё кичик дельтаси оралиғи пастликда ҳамда Қипчоқдарё, Оқбошли, Раушан кичик дельталарининг оралиқларида учрайди. Юқорида айтиб ўтилган кичик дельталарнинг қуйи қисмларида шўрланиш жараёнининг авж олиши бир томондан ер усти сув оқимининг энг сўнги ҳудуди бўлганлиги учун, ҳамда грунт сувлари табиий-оқимининг ўта кучсиз ҳаракатланиши билан боғлиқдир. Дельта шароитидаги ҳудудларнинг табиий-мелиоратив шароитини ўрганишда рельеф пластикаси таълимотининг роли ортиб бормоқда. И.Н.Степановнинг (1986) таъбири билан айтганда, “Рельеф пластикаси картасида кўрсатилган элементларнинг (баландликлар ва пастликлар) бир-бири билан алоқадорлиги натижасида вужудга келадиган оқимлар табиий-мелиоратив шароити мураккаблик даражаларининг ўзаро муносабатини ўрганиш учун асос бўлганлиги сабабли бу картанинг табиий-мелиоратив шароитни ўрганишда ва баҳолашда қўлланилиши замон талабидир”.

Суғориладиган ҳудудларда коллектор ҳавзалари асосий объект бўлганлиги сабабли уларни тадқиқ қилишда табиий-мелиоратив шароити мураккаблик даражаларининг Б.Б.Полинов (1955) ажратган элементар ландшафт гуруҳлари билан алоқадорлиги илк бор ўрганилди. Бунинг натижасида табиий-мелиоратив шароити мураккаблик даражаларининг элементар ландшафт гуруҳлари ўртасида алоқадорлик борлиги очиқ берилди ва идеаллаштирилган структураси ишлаб чиқилди (2-расм).

Табиий-мелиоратив шароити мураккаблик даражаларининг элементар ландшафт гуруҳлари ўртасидаги алоқадорликда ер усти сув оқими фақат роль ўйнаб қолмасдан, балки ана шу коллектор ҳавзаси структурасининг маҳсули ҳамдир.

Диссертациянинг **“Табиий-мелиоратив шароитнинг мураккаблик даражалари билан элементар ландшафт гуруҳларининг ўзаро боғлиқлиги”** деб номланган учинчи бобнинг аввалида тупроқ қоплами структураси ва шўрланиш даражасининг рельеф элементлари ва структураси билан алоқадорлиги тадқиқ этилган. Дельта шароитида тупроқ қоплами структураси ва шўрланиш даражасининг рельеф элементлари ва структураси билан алоқадорлиги тадқиқ этилган. Дельта шароитида тупроқ қоплами структураси ва шўрланиш даражаси табиий-мелиоратив шароитни белгилашда асосий омил бўлиб ҳисобланади. Амударё ҳозирги дельтаси чап қирғоғида тупроқ қоплами структураси ва шўрланиш даражасининг қонунли тизимли ўзгаришда икки қонуният кузатилади. Суғориш ҳудудларида тупроқ қоплами структураси ва шўрланиш даражасида коллектор ҳавзасининг функционал бутунлиги ва унинг ички структураси асосий омил бўлса, суғорилмайдиган ҳудудларда эса кичик дельталарнинг **“дарахтсимон”** структураси асосий омил бўлиб ҳисобланади. Шу билан бир қаторда кичик дельталарнинг ораликларида тупроқ қоплама структураси ва шўрланиш даражаси жуда мураккаб тузилишига эга бўлади. Бу эса ўз навбатида бу ҳудудларда мавжуд бўлган ер усти сув оқимларининг хилма-хил йўналишларга эга бўлиши билан тушунтирилади.

Амударё ҳозирги дельтасининг табиий-мелиоратив шароитини баҳолашда А.А.Рафиқов (1984) табиий-мелиоратив шароитнинг даражаларига қараб, уларни тўрт гуруҳга ажратади: 1. Мураккаблашган; 2. Ўрта мураккаб; 3. Мураккаб; 4. Ўта кучли мураккаб.

Д.Б.Хурсановнинг (2019) олиб борган тадқиқотларига кўра, Амударёнинг ҳозирги дельтаси ўнг қирғоғидаги Кўҳнадарё-Қозоқдарё кичик дельтасида ландшафт структурасининг мураккаблик даражалари ҳам элементар ландшафт гуруҳлари билан боғланган. Ана шунинг учун ҳам рельеф пластикаси таълимоти асосида табиий-мелиоратив шароитнинг мураккаблик даражалари билан элементар ландшафт гуруҳлари ўртасидаги алоқадорлик тадқиқ этилди ва илк бор объектнинг рельеф пластикаси картаси асосида **“Табиий-мелиоратив шароитни баҳолаш”** картаси М: 100 000 масштабда тузилди (3-расм).

Мураккаблашган табиий-мелиоратив шароит даражаси элювиаль элементар ландшафти билан алоқадор бўлганлиги учун у асосан Амударё ва Улдарё, Раушан, Оқбошли ва Қипчоқдарё кичик дельталарининг ўзан бўйи баландликларига тўғри келади. Бу ҳудудларда гурунт сувининг чуқурлиги 7 м дан паст ва ер усти сув оқимининг ҳаракати кучли бўлганлиги учун тупроқлар асосан кучсиз шўрланган. Тупроқларнинг механик таркибида асосан кум, кумлоқ устунлик қилади. Суғорма деҳқончилик учун ўта қулай ҳисобланади.

Ўрта мураккаб табиий-мелиоратив шароит даражаси транс-элювиал элементар ландшафти билан алоқадор бўлгани учун Киятжарган дельтасининг куйи қисмига, Улдарё, Раушан, Оқбошли, Қипчоқдарё кичик дельталари ўзан бўйи баландликларининг ён бағирларига тўғри келади. Тупроқларнинг механик таркибида енгил ва ўрта қумоқ ва қисман оғир қумоқ устунлик қилади. Гурунт сувларининг чуқурлиги 3-5 м ва ер усти сув оқимининг ҳаракати ўртача бўлганлиги учун бу ҳудудда асосан ўртача, қисман кучли шўрланган тупроқлар устунлик қилади. Суғорма деҳқончиликни ривожлантириш учун қўшимча коллектор тизимига муҳтожлик сезади.

Мураккаб табиий-мелиоратив шароит даражаси асосан суперваль, қисман транс-элювиаль элементар ландшафтига тўғри келади. У кичик дельталараро пастликларда жойлашган. Гурунт сувининг 1-3 м ва ер усти сув оқимининг ҳаракати ўта кучсиз бўлганлиги сабабли суғориладиган ўтлоқ тупроқлари кучли ва қисман ўта кучли шўрланган. Соз тупроқларнинг механик таркибида асосан енгил ва ўрта турлари ҳамда оғир қумоқ устунлик қилади. Суғорма деҳқончиликни янада ривожлантириш учун коллектор тизимларининг узунлигини режа асосида узайтиришни тақозо қилади.

Ўта кучли мураккаб табиий-мелиоратив шароит даражаси суперакваль элементар ландшафти билан алоқадор бўлиб, асосан Машанкўл, Судочье кўллари атрофидаги пастликларда, кичик дельталарнинг энг куйи қисмларида жойлашган. Грунт сувининг чуқурлиги 0-2 м, ер усти сув оқимининг ҳаракати ва гурунт сувларининг табиий оқими умуман кузатилмайди. Шўрланиш жуда кучли ривожланган. Шўрхоқларнинг хилма-хил турлари тарқалган. Тупроқларнинг механик таркибида асосан оғир соз хукмронлик қилади.

Табиий-мелиоратив шароитни баҳолаш картаси асосида табиий-мелиоратив районлаштириш амалга оширилди. Ажратилган табиий-мелиоратив районларда табиат компонентларининг қонуний ўзгариши бир томондан коллектор ҳавзаларининг функционал яхлитлиги билан боғланган бўлса, иккинчи томондан эса кичик дельталарнинг структуравий яхлитлиги билан алоқададир. Ҳар бир табиий-мелиоратив район ўзига хос геотизим бўлиб, табиат компонентлари бўйича таърифи жадвал шаклда берилди. Ҳавзавий рельеф пластикаси усули асосида ажратилган табиий-мелиоратив районлар ўзларининг табиий-мелиоратив шароитининг структураси бўйича бир-биридан фарқ қилади.

Диссертациянинг **“Ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда ҳавзавий рельеф пластикаси усулининг роли”** деб номланган тўртинчи бобида ҳудуднинг ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланишда табиий-мелиоратив районларнинг аҳамияти тадқиқ этилган. Аҳамиятлиси шундаки, ажратилган учта табиий-мелиоратив районнинг ҳар бири ўзига хос ички структурага эга бўлиб, унинг яхлитлигини таъминловчи кичик дельталарнинг **“дарахтсимон”** тузилиши ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда энг муҳим омилдир. Рельеф пластикаси асосида тузилган **“Табиий-мелиоратив шароитни баҳолаш”** картасида ерларнинг мураккаблик даражалари элементар

ландшафтларнинг гуруҳлари билан боғланганлиги учун олиб бориладиган ҳар бир мелиоратив тадбирларда бир томондан табиий-мелиоратив районнинг ички структураси ҳисобга олинса, иккинчи томондан эса тизим ҳосил қилувчи ер усти сув оқимларининг йўналиши ва сўнги қўйилиш манбаининг роли каттадир. Шуларни эътиборга олган ҳолда, табиий-мелиоратив районнинг функционал яхлитлиги асосида ер-сув ресурсларидан тизимли фойдаланишда амалга ошириладиган чоратадбирларга амал қилиш яна бир карра ҳавзавий рельеф пластикаси усулининг амалий аҳамиятини тасдиқлаб беради:

Амударё ҳозирги дельтаси чап қирғоғининг ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда табиий-мелиоратив районларнинг роли катта. Бунинг сабаби, табиий-мелиоратив район эгаллаган майдонда табиий-мелиоратив шароитнинг мураккаблик даражалари тартиб билан ўзгаради. Табиий-мелиоратив шароитнинг район эгаллаган ҳудудда ана шундай тартиб билан ўзгариш қонуниятини ҳисобга олиш қўйидаги натижаларга олиб келади: 1. Ҳар қандай қишлоқ хўжалик экинларини экишда табиий-мелиоратив шароитнинг тартибли ўзгаришини ҳисобга олиш фақат ижобий натижаларга сабаб бўлади; 2. Табиий-мелиоратив район ҳисобланган коллектор ҳавзаларида бўладиган барча табиий-географик жараёнлар тартиблик қонуниятига бўйсунди. Бу эса ўз навбатида ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда табиий-мелиоратив районларнинг ролини янада оширади.

ХУЛОСА

1. Рельеф пластикаси усулидан Амударё ҳозирги дельтаси чап қирғоғининг табиий-мелиоратив шароитини баҳолашда илк бор фойдаланилди. Усулнинг назарий асослари сифатида геотизим таълимоти ва ер усти сув оқимининг географик омил эканлиги ҳақидаги методология ҳисобланади. Усул табиий-географик жараёнларни объектнинг яхлитлиги ва структураси билан алоқадорлигини таҳлил қилиш имконини берди.

2. Рельеф пластикаси картаси табиий-мелиоратив шароити тадқиқотини босқичма-босқич амалга оширишда асос бўлиб ҳисобланади: 1. Рельефнинг элементларини (баландликлар ва пастликлар) ажратиш; 2. Элементлар билан табиат компонентларининг (тупроқ қопламанинг структураси ва шўрланиш даражаси, аллювиаль ётқизик гуруҳлари, грунт сувлари ва бошқалар) ўзаро алоқадорлигини таҳлил қилиш; 3. Олинган маълумотлар натижасида табиий-мелиоратив шароитнинг коллектор ҳавзаларининг бутунлиги ва кичик дельталарнинг яхлитлиги билан ўзаро алоқадорлиги тадқиқ қилинди. Мана шу босқичлар амалга оширилгандан сўнг коллектор ҳавзаларини ва кичик дельталарни ўзига хос геотизим деб қараш имкони юзага келди.

3. Дельтада рўй берган лито-морфо-педогенез жараёни табиий-мелиоратив шароитнинг шаклланишида асосий омил бўлиб ҳисобланади. Рельеф пластикаси картасида кўрсатилган баландликлар ва пастликлар тупроқларнинг ер юзаси билан боғлиқлигини ва литологиясини ўрганиш учун илмий асос бўлиб ҳисобланди. Тупроқ қопламанинг структураси ва

шўрланиш даражаси табиий-мелиоратив шароитни белгилашда асосий омил бўлгани учун “Тупроқларнинг шўрланиш даражаси” картаси М 1:100 000 масштабда илк бор тузилди.

4. Ер усти сув оқими, рельефнинг “дарахтсимон” шакли ва табиий-мелиоратив шароитнинг структураси ўртасидаги ўзаро алоқалар ёритиб берилди. Элювиал, транс-элювиал, супераквал элементар ландшафтлари билан мураккаблашган, ўрта мураккаб, мураккаб, ўта кучли мураккаблик даражаларининг боғланганлиги асосланди.

5. Суғорилмайдиган ҳудудларда, яъни чап қирғоқдаги Қипчоқдарё, Оқбошли ва Раушан кичик дельталарида табиий-мелиоратив шароит ер юзасининг “дарахтсимон” структураси билан боғланган бўлиб, кичик дельталарнинг юқори қисмидан қуйи қисми томон қонуний ўзгариб боради. Ҳозирги вақтда Раушан кичик дельтасининг қуйи қисмида гидроморф режими актив бўлганлиги учун бу ҳудудлардаги тупроқларда шўрланиш жараёни кучли давом этмоқда.

6. Суғориладиган ҳудудларнинг табиий-мелиоратив шароити чап қирғоқдаги Кўнғирот коллектор тизими ва Устюрт коллектор ҳавзаси асосида таҳлил қилинди. Табиий-мелиоратив шароит суғориладиган ҳудудларда коллектор ҳавзаларининг функционал бутунлиги ва ички структураси билан боғланган бўлади. Аммо ҳавзадаги канал-коллекторларнинг узоқ-яқинлиги, тупроқ қоплами структураси ва шўрланиш даражаси, гурунт сувларининг чуқурлиги ва минераллашув даражаси ҳам табиий-мелиоратив шароитга тўғридан-тўғри таъсир этиши дала маълумотлари асосида таҳлил қилинди. Айтиб ўтган омиллар ҳам ўз навбатида коллектор ҳавзаларининг функционал бутунлиги билан ҳам алоқадор бўлади.

7. Табиат компонентларининг коллектор ҳавзалари ва кичик дельталар билан алоқадорлигини ўрганиш натижасида объектнинг “Табиий-мелиоратив шароитни баҳолаш” картаси илк бор рельеф пластикаси картаси асосида М 1:100 000 масштабда яратилди. Табиий-мелиоратив шароит бир томондан суғорилмайдиган ҳудудларда кичик дельталарнинг “дарахтсимон” структураси билан боғланган бўлса, иккинчи томондан коллектор ҳавзаларининг функционал бутунлиги билан боғлангандир. Ҳудуд мураккаблик даражаларининг элементар ландшафт гуруҳлари билан боғлиқлиги яна бир бор рельеф пластикаси картасининг илмий ва амалий аҳамиятини очиб берди.

8. Ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда табиий-мелиоратив районнинг яхлитлиги ва унинг структураси амалий асос бўлиб ҳисобланади. Ҳавзавий рельеф пластикаси усули объектдаги ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда методологик асос бўлгани учун бу ёндашишни мелиоратив географияда ва ландшафтшуносликда ҳам кенг қўллаш мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ХОРЕЗМСКАЯ АКАДЕМИЯ МАЪМУНА

ТАЖИЕВ КУДРАТ КАДИРБЕРГАНОВИЧ

**ОЦЕНКА ПРИРОДНО-МЕЛИОРАТИВНЫХ УСЛОВИЙ
ЛЕВОБЕРЕЖНОЙ ЧАСТИ СОВРЕМЕННОЙ ДЕЛЬТЫ АМУДАРЬИ**

11.00.01 - Физическая география

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2021

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.2.PhD/Gr129.

Диссертация выполнена в Хорезмской Академии Мамуна.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (samdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Уразбаев Абдукарим Кендирбаевич доктор географических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Боймирзаев Каримжон Мирзахмедович доктор географических наук, доцент Ибрагимова Рана Алимбоевна кандидант географических наук, доцент
Ведущая организация:	Каракалпакский государственный университет

Защита диссертации состоится 11 августа 2021 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 при Самаркандском государственном университете (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом-15. Тел.: (99866) 239-16-36, факс: (99866) 239-11-40; E-mail: ik-geografiya2019@mail.ru).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована за №50). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом-15. Тел.:(99866) 239-11-40.

Автореферат диссертации разослан 28 августа 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 14 от 26 августа 2021 года)

С.Б. Аббасов
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.г.н., профессор

Б.А. Мелиев
Ученый секретарь Научного
совета по присуждению ученых
степеней, доктор философии
по географическим наукам, (PhD)

В.А. Рафиков
Заместитель председателя
Научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых
степеней, д.г.н. (DSc)

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы исследования. В связи с обострением процесса опустынивания в мире, ухудшается мелиорация земель, усиливается деградация почв и другие негативные экологические и природно-географические процессы. Международные организации, в том числе Программа устойчивого развития ООН до 2030 года, уделяют особое внимание для решения таких проблем, как «защита и восстановление экосистем суши, их рациональное использование, рациональное лесопользование, борьба с опустыниванием, прекращение деградации земель». Решение этих задач требует комплексного изучения, оценки и научно обоснованного освоения природных и мелиоративных условий, особенно в условиях засушливого климата, включая орошаемые и неорошаемые участки дельты реки.

Во всем мире особое внимание уделяется осуществлению ландшафтно-мелиоративных мероприятий, дифференциации и структуре ландшафтов, группированию, установлению взаимосвязи поверхностного водотока со структурой рельефа на основе элементарных ландшафтных групп в дельте или малых дельтах, определению мелиоративного статуса ландшафтов, созданию ландшафтного кадастра и оценке ландшафтно-экологической ситуации. В связи с этим особое внимание уделяется разделению ландшафтов на группы, изучению изменений малых дельт под воздействием различных факторов, проведению ландшафтно-мелиоративных мероприятий, определению влияния гидрохимических свойств поверхностных вод на формирование ландшафта.

Стратегия действий по развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определяет важные задачи по «...непрерывному развитию сельскохозяйственного производства, дальнейшему укреплению продовольственной безопасности страны, дальнейшему совершенствованию мелиорации орошаемых земель, дальнейшей оптимизации пашни за счет сокращения площади под хлопком и зерновыми культурами, размещение картофеля, овощей, продовольственных и масличных культур, а также новые интенсивные сады и виноградники на пустующих землях. В связи с этим важно определить и оценить почвенно-мелиоративное состояние орошаемых сельскохозяйственных земель разного уровня, сохранить и повысить плодородие почв и эффективное использование земельных ресурсов путем разработки предложений и рекомендаций по опреснению засоления почвогрунтов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует практической реализации целей и задач, определенных в постановлениях и указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 17 июня 2019 года № УП-5742 «О мерах по

рациональному использованию земель и водных ресурсов в сельском хозяйстве», от 18 января 2017 года № ПП-2731 «О государственной программе развития региона Приаралья на 2017-2021 годы», от 27 ноября 2017 года № ПП-3405 «О государственной программе развития ирригации и улучшения мелиоративного состояния орошаемых земель на 2018-2019 годы», от 28 февраля 2020 года № ПП-4575 «О реализации в 2020 году задач, определенных в Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы», а также постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 24 февраля 2014 года № 39 «О дополнительных мерах по обеспечению безусловного выполнения Государственной программы по улучшению мелиоративного состояния орошаемых земель и рациональному использованию водных ресурсов на период 2013-2017 годы» и других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и техники республики. Данное исследование было выполнено в соответствии с приоритетными направлениями науки и технологий V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды» VIII. «Науки о земле».

Степень изученности проблемы. Изучение и оценка природно-мелиоративных условий современной дельты Амударьи начались в основном после 1961 года, то есть в период перехода развития дельты от гидроморфного режима к автоморфному. С этой проблемой занимались В.П.Костюченко, Р.А.Сорокина, В.А.Тимошенко (1969), И.Н.Степанов (1979), Ф.М.Рахимбаев (1980), А.А.Рафиков (1984), А.К.Уразбаев (1988), Н.И.Хакимов (1989), Б.Джоллибеков (1992), К.Ж.Алланазаров (2002), И.Р.Турдимамбетов (2005), А.Н.Нигматов, П.Реймов, С.Абдрахманов (2006), В.А.Рафиков (2017), Д.Б.Хурсанов (2019) и другие. А.К.Уразбаев (1988) при оценке природно-мелиоративных условий правобережной части современной дельты Амударьи за основу взял структурную целостность мелких дельт.

Но в этих исследованиях оценка природно-мелиоративных условий левобережной части современной дельты Амударьи особенно не анализировалась. В то же время не была проведена оценка на основе метода пластики рельефа природно-мелиоративных условий местности, обусловленных поверхностными водотоками, структурой рельефа и их взаимодействием, влияющими на природно-мелиоративные условия коллекторных бассейнов и мелких дельт.

Связь исследования с планом научно-исследовательских работ высшего учебного заведения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование было выполнено в рамках программы Европейского Союза «Erasmus+» в плане научно-исследовательских работ Ургенчского государственного университета «Охрана окружающей среды в

Центральной Азии: управление стихийными бедствиями с помощью пространственных методов (585383-EPP-1-2017-1-SE-EPPCA2-SBXE-JP)».

Целью исследования использование метода пластики рельефа при изучении и оценке природно-мелиоративных условий левобережной части современной дельты Амударьи.

Задачи исследования:

применение метода пластики рельефа при оценке природно-мелиоративных условий, раскрытие роли функциональной целостности коллекторных бассейнов и структурной целостности мелких дельт;

анализ взаимосвязи поверхностного стока, «древовидной» формы рельефа и природно-мелиоративных условий и составление тематических карт;

